

«УНИВЕРСИАДА-2007» МАШҲАЛАСИ ПОРЛАМОҚДА!

Тошкентда талаба ёшларнинг спорт байрами бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда)
Мамлакатимиз спортчи ёшларнинг раъси сифатида Универсиада байроғи кўтарилади.

Универсиада иштирокчилари бўлажак спорт мусобақаларида ҳалол, мард ва мурасиз бўлиш ҳақида тантанали қасамд қиладилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ёш авлодни соғлом, кучли, галабага интилувчан инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган уч босқичли тизим бугунги кунда бутун дунёда янги технология сифатида тан олинган. У ҳар томонлама пухта ўйланган, илмий асосланган бўлиб, Олимпия ҳаракати таъминчилари тўлиқ жавоб беради. Ушбу тизим мактаб ўқувчиларининг «Умид нҳоллари», коллеж ва лицейлар ёшларининг «Баркамол авлод» ва республика олий ўқув юрлари талабаларининг Универсиада спорт мусобақаларини ўз ичига олади. Шу тарафда соғлом турмуш тарзи фалсафаси ёшларимиз онгига болалиқдан сингдирилди ва спорт аста-секин бутун мамлакатимиз аҳолиси турмуш тарзининг таркибий қисмига айланиб боради.

Бу ишнинг аҳамияти нҳояда катта. Зеро, ҳалқимиз олдига турган энг эзгу мақсадларга эришиш, мамлакатимизнинг мустақиллиги ва фаровонлигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, буюк келажаги энг аввало ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқдир.

Спорт саломатлик ва жисмоний ривожланиш гарови бўлиб қолмай, айна пайтда у йигит-қизларимизда мустаҳкам ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч, мардлик ва ватанпарварлик, эл-юртга садоқат каби фазилатларни шакллантиради. Дарҳақиқат, бизнинг мамлакатимизда мустақиллик йилларида иқтидорли, маънавий баркамол ёш авлод вожа етди. Улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида беқисс ютуқларга эришмоқда ва буюк ишларга қодирлигини намойиш этмоқда. Ўзбек спортчиларининг Олимпия ва Осиё ўйинларида, бошқа нуфузли мусобақаларда эришган муваффақиятлари бунинг яққол далилидир. Улар-

нинг спортда кўлга киритаётган юксак натижалари Ўзбекистон шухратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчиларининг оммавий спорт мусобақалари, айниқса, Универсиадалар йигит-қизларимизга катта спорт эшикларини очиб бермоқда. Бугунги кунда шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, ўта огир вазнда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, кураш бўйича жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев ва Рамзиддин Саидов, сузиш бўйича уч карра Осиё чемпиони Саида Исқандарова, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати қолиби Светлана Радзивиль ва бошқа кўплаб ёшларимизнинг номлари бугун барчага яхши маълум. Уларнинг иқтидори илк бор айнан ўсимлар ва талабалар мусобақаларида кашф этилган, улар ўзлари учун азиз бўлган илк спорт мукофотларини Наманган, Бухоро ва Самарқандда бўлиб ўтган универсиадаларда кўлга киритганлар.

Бу йил ҳақи равишда «кичик Олимпиада» деб ном олган Универсиада мусобақалари баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис ва стол теннис, футбол, гандбол, шахмат ва сузиш каби 12 спорт тури бўйича ўтказилмоқда. Унда катнашаётган 14 терма жамоа таркиби дастлабки босқичларда — аввал факультетлар, сўнгра олий ўқув юрлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда аниқланди, уларда жами 160 минг нафар талаба иштирок этди. Иштирокчиларнинг учдан бир қисми қизлар экани айниқса қувончлидир.

Мазкур мусобақалар замонавий анжомлар билан жиҳозланган аjoyиб спорт заллари, спортнинг музаян турларига ихтисослашган ўнлаб секцияларга эга мажмуаларда юксак савияда ташкил этилди. Танлов довомида мохир ва чаққон, довжорак спортчилар, жами 2 мингга яқин йигит-қиз сараланди. Энди улар «Универсиада-2007»нинг финал бо-



сқичида ўз маҳоратини намойиш этади.

... Майдонга ёш спортчилар, рақосалар, таниқли эстрада хонандлари чиқиб келадилар. Уларнинг кўркам либослари, аjoyиб санъатлари стадион узра ҳукм сураётган тантанавор руҳга ҳамоҳан бўлиб, байрамга ўзгача фазл ва тароват бахш этади. Ушбу ёшлик ва спорт байрами боис қалбларимизда яна бир бор бетакрор Ватанимиз, унинг келажака интилаётган иқтидорли йигит-қизлари билан фархланиш туйғулари жўш уради.

Аввалги Универсиадаларни ўтказиш таърибига тошкентликларга бундай кенг кўламли мусобақани ўтказишга пухта тайёргарлик қилиш имконини берди. Халқроқ стандартлар талабларини эътиборга олган ҳолда мавжуд спорт мажмуалари қайта таъмирланди, ўнлаб янги спорт иншоотлари қуриди, Универсиада иштирокчилари истиқомат қиладиган талабалар уйларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди, ён-atroфдаги ҳудудлар ободонлаштирилди, бог-роғлар барпо этилди, юз минглаб гул ва кўчатлар экилди. Универсиадага бағишланган катта бадий байрам дастури ишлаб чиқилди. Ёшларнинг умумреспублика фестивалига айландиган Универсиада иштирок-

чиларини таниқли спортчилар, маданият арбоблари, машҳур санъат юлдузлари билан учрашувлар кутмоқда.

Мусобақалар «Ёшлик» спорт мажмуасида, Тошкент Темир йўл муҳандислари институти, Тошкент ахборот технологиялари университети академик лицейи спорт майдончаларида бўлиб ўтади. Лекин уларнинг асосий қисми «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўтказилади.

Универсиадага тайёргарлик қилиш довомида «Ёшлик» шаҳарчасида улкан ишлар амалга оширилди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида 50 метрли ёпиқ сузиш ҳавзасига эга Сув спорти саройи, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида — янги спорт мажмуаси ва 25 метрли сузиш ҳавзаси, Тошкент табиёт академияси ҳузурида эса 4 минг томошабинга мўлжалланган стадион бунёд этилди. Мухими, Универсиада тугагач, ушбу спорт объектлари оммавий спортни ривожлантириш базасига айланади, бу ерда нафақат талабалар, балки кўшни ҳудудлар аҳолиси ҳам спорт билан шугулланиш имконига эга бўлади.

...Стадионни бир зум қоронгу-

лик қулғаб олди, чироқлар ўчирилди. Фақат битта прожектор машъала кутарган спортчиларни ёритади. Бу «Универсиада-2007» машъаласидир. У «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси материалшунослик институтининг улкан кўёш қозонидан ўт олдирилган. Уни ёш иқтидорли спортчилардан иборат эстафета катнашчилари автортеж ҳамроҳлигида бу ерга пойтахт вилоятининг Паркент туманидан етказиб келди.

Нихоят стадион узра ёрқин машъала порлаб, осмон қаъри-ни ёритади. Республика талаба ёшларининг спорт уйинлари машъаласини ёқиб ҳуқуқига таниқли спортчилар эркин кураш бўйича Осиё чемпиони Дилшод Мансуров ва Республика «Машриқзамин» мажлиси» танлови қолиби Саида Бурхонхўжаева эга бўлди.

«Универсиада-2007» олови порламоқда!

«Универсиада-2007» спорт мусобақаларининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири

Суратларда: очилиш маросимидан лавҳалар.
Муҳаммад АМИН,
Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

МАЗМУНЛИ ВА ТАЪСИРЧАН ТАДБИРЛАР

партия аъзолари ва хайрихоҳлари сонини ошириш билан бирга долзарб масалалар ечимига туртки бермоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳоли томонидан қорвачиликни ривожлантиришга қаратилган кредитларни олиш чоралари, қўшма корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам семинар иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Айтилдики, айниқса, аёлларни иш билан таъминлашда ҳукуматимиз томонидан бир қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилиниб, ҳаётга изчил амалга оширилгани яхши самара берапти. Жумладан, биргина қўшма корхоналарнинг ривожлантириш орқали оилаларнинг яшаш шароити яхшиланиб, турмуши фаровонлашиб борапти. Катнашчилар шу каби ютуқлар ҳақида гапириб, семинарда ўртага ташланган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишди.

Олий Мажлис депутатларининг Урганч Давлат университетида ўтказган учрашуви олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаларида катта таассурот қолдирди. Мулоқотлар парламент фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди. Ёшлар Конституциявий қонун

лойиҳасининг ҳаётга тadbққ этилиши натижада жамиятдаги барча соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида депутатлар билан яқиндан суҳбат қуришди. Талабалар фракция фаолияти, демократик ислохотларнинг олиб борилиши каби саволлар билан депутатлар эътиборини «Ёш оила»нинг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонининг мазмун-моҳиятига қаратдилар. Депутатлар бу амалий саъй-ҳаракат негизда ёшларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсад борлиги, бу — ёшлар доимо ҳукуматимизнинг диққат эътиборидалигининг тасдиғи эканлигини таъкидлашди.

Хоразм вилоят Кенгаши фаолиятини янада кўчатириш масалаларига қаратилган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят, туман Кенгашлари қотиблари ва партия фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўз олган депутатлар партия назоратини кўчатириш ва жойлардаги муаммоларни ечишда партия фа-

олларини ҳаракати муҳим эканлигини қайд этишди. Иштирокчилар эркин ва очик баҳс-мунозаралар довомида партиянинг бугунги фаолияти, унинг нуфузини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўламини кенгайтириш, аъзоларни кўпайтириш масалаларини муҳокама этдилар. Ҳар бир туман қотибига сўз берилиб, уларнинг нуқтаи назари баён этишга имкон яратилди. Хулосалар чиқарилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Тадбир катнашчилари жойлардаги ижтимоий муаммоларни ечиш йўллари ҳақида фикр алмашишди.

Дарҳақиқат, Хоразм вилоятида ўтказилган учрашувлар бир қатор масалалар ечимини топиш, айниқса, юртдошларимизнинг сиёсий партияларга бўлган қизиқишини янада орттиришга, сиёсий жарёнларда фаол иштирок этишга туртки бериши, шубҳасиз.

Илҳом ЖУМАНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши матбуот
хизмати қотиби

Семинар

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

ва тараққиёт қонунларининг тарғиботчиси бўлиш партия ҳаётидаги муҳим масалалар сирасидан, дейишмоқда «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши фаоллари



Аввало шуни айтиш лозимки, сиёсий рақобат шароитида одамлар орасига биргина ташдиқ, юракларга йўл топиб айтилган бир оғиз самимий сўз муҳим аҳамият касб этиши ва партиянинг жамоатчилик ўрта-сидан нуфузига ижобий таъсир курсатиши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоларининг вилоят ташкилотларини билан биргаликда ўтказиётган кўча семинарлари ва шу жараёндаги нобатлардаги таъсирчан таъсирлар билан таъминланган ҳолда ишнинг ширеклар тобора яхшироқ самара берапти. Ҳокимият ва бошқарув идоралари ўз ҳудудларидagi ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда ишончли шериклар топишмоқда, жамоатчилик эса партиянинг ҳозиржавоблигига, ишчанлигига умид боғламоқда.

Яқинда ана шундай семинарларнинг нобатларига Самарқанд вилоятининг бир йўла тўртта шахар ва туманида — Каттақўрғон, Нарпай ва Пахтачи ҳудудларида бўлиб ўтди ва озулаб иштирокчилари ягона мазза атрофига тўплади. Маззу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг аҳамияти ва партиянинг шу жараёндаги иштирокини кўчатиришга қаратилди.

Семинарда катнашиш, партия вакиллари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашув, мақсадида Нарпай туман кишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи биносига йиғилганлар бу каби фойдали мулоқотга тайёр эканликларини илк савол-жавобларданқоқ намойиш этдилар. Анжуман иштирокчилари ҳудуддаги дастлаб «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилиги палатасидagi фракция аъзоси Худойер Маматов маъруза қилди. Депутат мамлакатимизнинг сўз-ҳуқуқ тизими, таълим ва табиий хизмат соҳаларидаги ислохотларга тўхталиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар фўқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини эътироф этди.

Ватанини севиш, қадрлаш амалда ўз исботини топишга ло-

зим. Гарбнинг арзон санъати ва турмуш зийнатларига ҳавасмандлик бизни ўз қадриятларимиздан узоқлаштиради ва маънавий қарамликни келтириб чиқаради, деб таъкидлади нотик. Демак, ватанпарварликни янада теранроқ англаш учун, аввало, етук сиёсий саводдон бўлишимиз ва яратилаётган қонунлар моҳиятини чуқур иглаб олишимиз зарур. Ислохотларнинг оддий кузатувчиси эмас, фаол иштирокчисига айланиш, бефарқликдан, лоқайдликдан қутулиш, фўқаролик позициясини шакллантириш ҳар бир кишида юрт тақдирини ўн жавобгарлик, масъулият ҳиссини пайдо қилади.

— Давлат ўз бошқарув ваколатларини фўқаролик жамияти органларига босқичма-босқич топширапти, — деди семинарда партиядошларни баҳс-мунозаралар юритилди. Хусусан, оила ва никоҳ, коллежларни таъминлаб чиқаётган ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликни йўлга қўйиш ва банк кредитларидан фойдаланиш масалалари хусусида қўзғитган савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Семинар довомида мамлакат Президентининг «Ёш оила»ларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам кенг тарғиб этилди. Шунинг баробарида, «Савоб саҳаватдан бошлангани» деб номланган хайрия тадбири ҳам бўлиб ўтди. Унда ўнлаб меҳнат фахрийлари ва ногиронларни ултраутовуш текшируви ва табиий қуриқдан ўзқилинди, уларга бепул дори-дармонлар тарқатилди.

Нарпайлик ногирон оила бошлиғи Холбуви ая Ҳасановнинг ҳонадонига таширғи буюрган семинар ташкилотчилари бу уйга рангли телевизор совға қилишди. Пахтачи туманида эса йигирмага яқин меҳнат фахрийсига дастурхон ёзилиб, ҳомийлик ёрдами қўрсатилди.

Қисқаси, партиянинг омма билан алоқаларини кенгайтириш, депутатлар билан мулоқот уюштириш ва ижтимоий муаммоларга жавоб топишда бу каби семинарлар ҳар жиҳатдан таъсирчан ва фойдаланди. Шу боис, яқин орада Самарқанд вилоятининг яна учта туманида ҳудуд шундай тадбирларни ўтказишга келишиб олинди.

Зохир ТўРАКУЛОВ,
«Адолат» муҳбири

Суратларда: семинар иштирокчилар мулоқот ва учрашувлар чоғида.

Муаллиф олган суратлар.



Япония ҳукумати томонидан Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги қатор мактаблар ва ши-фохоналар учун 490 минг АҚШ доллари миқдорига грантлар ажратилди.

Пойтахтимиздаги Темирўйлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Фанлар академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент Ислам университети билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» мавзусидаги кўргазма очилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан Навоий ва Зарафшон шаҳарларида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган хайрия тадбирлари ўтказилди.

Ёш истеъодларни кашф этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган аълоавий «Нихол» курият-тайловнинг Сурхондариё вилоят босқичи якунида.

Наманган вилоятида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ саломатлик ой-

лиги бўлиб ўтмоқда.

«Экспан» халқаро ташкилотининг юбилейига 40 миллион сўмлик «Ўзбекистон темир йўллари — Экспан» иншонпарварлик юки ортлган поезд Навоий шаҳрига етиб келди.

Термиз тумани Солибод қишлоғидаги 29-мактабда ёшларнинг волейбол, баскетбол, бокс, енгил атлетика, кураш, теннис билан шугулланиш учун етарли шароит яратилган янги спорт мажмуи иш бошлади.

Навоий вилоят болалар кутубхонасида янги тизимга ўтиш жараёни нҳосига етди. Март ойида капитал таъмирлаш ишлари тугатилган ушбу Ахборот-ресурс марказига 12 та электрон дарслик олиб келинди.

Нукус Политехника касб-ҳунар коллежи ҳузурида ўрта махсус касб-ҳунар билим юртиларга ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази иш бошлади.

Фаргона политехника институтида «Биз — бир жамоамиз» мавзусида ёшлар анжумани ўтказилди.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, САҲОВАТПЕШАЛАР!

Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйида янги пайтда 50 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларга 37 нафар мураббий ва тарбиячилар бириктирилган. Ҳар кунки болаларга турт маҳал иссиқ овқат берилади. Шинам ётоқхона, маънавият ва маърифат хонаси, спорт заллари болажонлар ихтиёрида.

Меҳрибонлик уйи ва унинг атрофи давлат маблағлари ва ҳимматли корхона ва ташкилотларнинг беминнат ёрдами тўғйили йилдан-йилга ободонлашиб борапти. Дарҳақиқат, бу ерда вожа етаётган болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш вилоятдаги саҳаватпеша жамоалар ва ҳимматли тадбиркорларнинг одатига ай-

ланган. Мисол учун, Қашқадарё вилоят нефть-газ қурилиши корхонаси жамоаси Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳар бирига 20 минг сўмдан омонат дафтарчаси очиб, жами 1 миллион 20 минг сўм маблағ қўйишди. Ҳимматингизга балли, олийҳиммат саҳаватпешалар!

Ижтимоий ҳимоя йилида вилоят «Соғлом авлод» жамғармаси, «Комтекс» корхонаси, вилоят касабда уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳам кўпгил ярим болаларнинг ҳеч нарсасга зориқмай яшашига ўз

хиссаларини қўшишмоқда. Бундан ташқари, Қарши шаҳрида яшовчи Азим Жўраев ўз ҳисобидан бу ердаги қалби ўқис болалар учун 1 миллион 189

хоналарини қўлларидан келганга қўллар ва бошқа ҳар хил ўйинқоқлар билан жиҳозлашган.

— Олти ёшимдан бери шу ерда тарбияланаман, — дейди Эркин Қўлдошев. — Ҳозир 4-синфни тугатдим. Келгусида шифокор бўлмоқчиман. Халқимиз саломатлигини ҳимоя қилиш учун бор куч ва билимимни ишга соламан. Айни пайтда фақат аъло болаларга ўқишга ҳаракат қиламан.

— Бизларга оталарча ғам-хўрлик қўрсатаётган Президентимизга минг раҳмат, — дея

суҳбатга қўшилди қувноқкина болақай Бунёд Бобомуродов. — Ўқишларим яхши. Орузим ҳарбий зобит бўлиб, Ватанимиз сарҳадларини қуриқлаш. Бунга албатта эришаман!

Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, камолга етаётган болалар хизматида фидойилик қўрсатаётган ходимлар ҳақида қанг кетгудек бўлса, Мухаббат Хуррамова, Гулсара Раҳмоноваларнинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Улар ҳамиша болажонлар атрофида парвона, ёшларнинг ўқис кўнгилларини бутун қилиш учун елиб-югуришапти, меҳр қўрсатишапти.

Қомиль САҲАТОВ,
«Адолат» муҳбири

2007 йил - Ижтимоий ҳимоя йили

АСР
ВАБОСИ

Гиёҳвандлик бугунги кунда бутун дунё жамоатчилигини жиддий ташвишга солаётган муаммолардан бирига айланган. Шунинг учун гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши кураш жаҳон ҳамжамиятидан барча куч ва воситаларни бирлаштиришни тақозо қилаётир.

Гиёҳвандликнинг алоҳида ижтимоий йўналишларга эга экани, яъни, ёшлар, вояга етмаганлар, шунингдек, аёллар орасида кенг тарқалиб бораётгани унинг низоюда хавфли эканлигини кўрсатади. Кейинги йилларда гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳлар фаолияти муайян давлатлар ҳудудидан чиқиб, трансмиллий наркосиндикатлар юзга келди. Аср вабосининг бу даражада инсониятга хавф-хатар солаётгани туфайли хозирги пайтда сайёрамиздаги давлатлар томонидан бу бало-қазонинг олдини олишга қаратилган бир қатор амалий ишлар олиб бориляпти.

Мамлакатимиз ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Наркотик воситаларни истеъмол қилиш, уни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ва олиб ўтишга қарши ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга тадбиқ қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳамкорлиқда олиб борган ишлари натижасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда 3619 та жиноий хатти-ҳаракатлар аниқланиб, айбдорларга тегишли чоралар қўрилди.

Жиноятчини жазолагандан кўра, жиноий қилмишининг олдини олган афзал. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида жойларда турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиб бориляпти. 26 июнь Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кўни муносабати билан ҳар йили маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини жонли мисоллар билан намойиш этадиган театрлаштирилган сахна кўринишлари, фахрийлар, мутахассислар иштирокидаги жонли мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Шуниси эътиборга молики, бундай тадбирларда ёшларимиз илдан-илгари фаол қатнашибляпти. Бу эса ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Алишер МАМАТКУЛОВ,
Республика
Бош прокуратураси
бошқарма катта прокурори

ҒАЛЛАСИ МЎЛНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида собит-қадамлик билан олиб борилган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда янги мулкдорлар синфи шаклланди. Истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланаётган фермерлар бугун аҳолини иш билан таъминлашга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашга, мамлакат миқёсида олиб борилаётган ислохотлар жадаллашувида салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Яна бир муҳим жиҳат: хозирги кунда Ўзбекистон галла мустақиллигига тўла эришиб, сифатли ун ва ун маҳсулотлари билан фақат ўзини таъминлабгина қолмай, балки қўшни давлатларга экспорт ҳам қила

мизнинг ҳар бир қишлоқ туманида бободехон ўз ҳалол меҳнати эвазига етиштирилган мўл галла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш билан машғул. Айниқса, бу жараёнда ерга катта умид билан уруғ

ўзи ҳам яхшигина даромад олади. Режадан ортиқча етиштирилган галлани эса жамоа аъзоларига таркатади.

Букадаги "Барот Умаров" муқобил МТП нафақат туманда, балки Тошкент вилоятида ҳам фермерларга намунали хизмат кўрсатиш борасида кўпчиликнинг назарига тушган. 65 та фермер хўжалиги хизматидаги Муқобил МТПда бугун 15 та культиватор, 18 та транспорт ва 3 та ҳайдов тракторлари ҳамда 1 та янги "Клас-доминатор" ўрим комбайни бор. Эътиборлиси, ҳудуддаги фермер хўжаликлари галла ўрими-йиғимида пешқадамликни



ММТП раҳбари Шохиди Азизова фермер Дехқонбой Жуманазаров билан ҳосил чўғини чамалашаяпти.

бошлади. Бу эса илгари хориждан олиб келинадиган галла ва ун учун сарфланадиган катта миқдордаги миллий валютани тежашга хизмат қилмоқда.

Айни кунларда мамлакатимиз

қадаган фермер хўжаликлари жамоалари фидокорона меҳнат қилишмоқда. Чунки деҳқон ҳосилини давлатга сотиш режасини барвақт бажарса, биринчидан, эл-юрт олдига унинг юзи ёруғ бўлади, иккинчидан,

қўлдан беришмаяпти. — Қилинган меҳнатлар бе-самар кетмади, — дейди ММТП раҳбари Шохиди Азизова олтиндай товланиб турган галла майдонларини кўрсатиб. — Ҳосил чўғи банд. Ерга вақти-

Қишлоқ хўжалиги



да агротехника талаблари асосида ишлов берилгани, минерал ўғитларнинг меъёрида ишлатилгани, қолаверса, «Крош-ка», «Интенсив», «Марс», «Кроснадер-99» каби ҳосилдор навларнинг иқлим шароитига мос танлангани туфайли фермерларнинг бу йил, насиб этса, ошиги олчи. Айниқса, "Дехқонбой отарик", "Ҳайдаров Аҳмад чорбоғи", "Анварбек Абдурахмон", "Аббосжон-Тоҳиржон" фермер хўжаликлари аъзоларининг кайфиятлари баланд: ийиллик шартномавий режаларини ортиги билан бажаришди. «Клас-Доминатор» комбайни ҳайдовчиси Рустам Илхомов кунига 70 тоннадан ортиқ бугдой ўриб, галлакорлар хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшяпти.

— Умрим бўйи қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаб келдим, лекин истиклол йилларидаги дек деҳқон елкасига қуёш текканини кўрганим йўқ, — сўхбатга қўшилиди "Дехқонбой отарик" фермер хўжалиги раиси, 79 ёшли Дехқон Жуманазаров. — Бугун фермер хўжаликлари аъзо бўлганлар ҳалол

меҳнати орқасидан катта-катта тўйлар қилишяпти, ўғил уйлантираяпти, қиз чикараяпти. Ҳамма-ҳаммаси мустақиллик, истиклол шарофати... Ўтган йили 11 гектар ерга галла экиб, 34 тонна сара дон йиғиштириб олди. 86 тонна пахта топиш-риб, 30 миллион сўмдан зиёд даромад қилди. Бу йил эса 5 қути ипак қурти боқиб, 253 қилотрамм пилла топишди. 15 гектар ер майдонидан ўриб олинган галланинг 43 тоннасини давлатга топишди, режани ортиги билан бажарди.

Дарҳақиқат, бугун қайси бир фермер билан учрашманг, албатта, юқори натижаларга эришяётгани, қилган меҳнатлари муносиб қадрланаётгани, натижада яхшигина даромад ҳам қилаётганини тўқинлиниб гапирди. Муҳими, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бердим, деб яшаш, меҳнат қилиш уларнинг оддий ҳаёт тарзига айланиб бормоқда.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Адолат» мухбири
Носир ҲАЙДАРОВ
олган суратлар

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ —

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ

Фуқаролик ҳар бир инсонга берилган олий унвондир. Фуқароликни тасдиқловчи паспорт эса инсоннинг шахси ва ўзалини кўрсатиб берувчи ҳужжат ҳисобланади. Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирда бир гуруҳ умумтаълим мактаб битирувчилари мана шундай олий унвонга эга бўлишди, уларга Ўзбекистон фуқароси паспортлари топширилди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, етук фарзандлар этиб тарбиялаш борасида қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Уларнинг қамолотга эришишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда шу ҳақда сўз борди.

— Бугун Яқкасарой туманида истикомат қилаётган ўттиз икки нафар ўрта мактаб битирувчиларига "Ўзбекистон Республикаси фуқароси" паспортини топшираман, — деди туман Ички ишлар бўлими ХХК ва ФРБ бошлиғи Фахриддин Турсунов. — Бу фарзандларимиз бугун ўн олти ёшга тулдилар. Мустақиллик тенгдошлари бўлган ўғил-қизлар бугун янги ҳаётга қадам қўйдилар. — Бу кун менинг энг бахтиёр

қуни, — дейди Барно Мусоева. — Паспортни қўлимда ушлаб турибман-у кўзларимда се-винч ёшлар. Бу лаҳзалар бир умр ёдимдан чиқмас керак. Тадбирда ўғил-қизлардан кўра кўпроқ ота-оналар қувондилар. Уларнинг кўзларида шодлик, юракларида бир олам хаяжон.

— Ўғлим улғайиб катта ҳаётга қадам қўётганидан хурсандман, — дейди Дилфуза Салимова. — У юрт қорига яраса, шу ватан учун керакли фарзанд бўлиб етишса дунёдаги энг бахтли она бўлардим. Паспортларни тантанали топшириш маросимида сўзга чиққанлар ёшлар онига ва напарварлик тўғрисида сингдиришда бу каби тадбирлар-



нинг ўрни бекиёс эканлигини таъкидлашди.

Тадбирга мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчи-

ларининг қишқилари, қуй-қушқилари ўзгача шукҳ бахш этди.

Рахшона ТОШПҲАТОВА,
"Туркестон-пресс"

Қилмиш-қидирмиш

ҚОИДАДАН
ТАШҚАРИДАГИ
ҲАРАКАТ

Бугун тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган кишидан, аввало, ҳақдолик ва қонуний фаолият юритиш талаб қилинади. Бунинг учун мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган қонуний мавжуд. Лекин...

Вазирлар Маҳкамасининг алкоголь маҳсулотлар сотилиши тартибга солувчи қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширувларда жами ўн та ҳолатда алкоголь маҳсулотларнинг қонуний муомалага киритилгани аниқланди. Товармоддий бойликлар дилийи ашё сифатида олиб қўйилиб, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқ-тартибот органларига қонуний чора кўриш учун юборилди.

Кечиримлилик ҳалқимизда хос фазилат. "Пайшанба" деҳқон бозорига ўтказилган текширувда фуқаро Ҳанифа Абдуллаева ўз дуконига жами 113250 сўмлик 126 шиша ароқни қонуний сотётгани аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар туман прокуратураси орқали жиноят ишлари бўйича туман судига жўнатиладиган. Суд унинг оилавий аҳолини ҳамда қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олиб, енгил жазима жазосини қўлади. Бироқ, у бундан

керакли хулоса чиқармади. Туман солиқчилари текширувида ҲАбдуллаева спиртли маҳсулотлар сотётганида яна "тумшуги"дан илинди. Тўпланган ҳужжатлар юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚ департаментининг туман бўлими қоидабузар тадбиркорга нисбатан жиноят қилиш сифатида олиб қўйилиб, деҳқоннинг тегишли моддаси билан жиноий иш қўзғатиб, қонун доирасида жазо тайинланди.

Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари эса фуқаро Энвер Клебеёв "Ўзбекистон" кўчаси 17-уйда ЖДЛҚ департаментининг туман бўлими қоидабузар тадбиркорга нисбатан жиноят қилиш сифатида олиб қўйилиб, деҳқоннинг тегишли моддаси билан жиноий иш қўзғатиб, қонун доирасида жазо тайинланди.

ашё сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, хусусий тадбиркор Шухратулла Сатторовга қарашли савдо дуконидан 47 минг 600 сўмлик ўнлаб шиша алкоголь ичимликлар дилийи ашё сифатида олинди. "Дехқон бозори"да ўтказилган текширишда эса фуқаро Махбуба Шодиева 0,5 литрли 60 дона қалбаки акциз маркали ароқ ичимликларини пуллаётганда қўлга тушди. Унинг уйи қўздан кечирилганда эса устомон тадбиркор уйда 121 шиша қўлбола ароқ маҳсулотларини саклаб келаётганлиги маълум бўлди.

Қонунларни назар-писанд қилмайдиган ҳудудборонлар, албатта, жазосини олади. Бироқ, ҳар бир фуқаро — истеъмолчи ўз пулига олган маҳсулотнинг сифати ва яроқли-лигига эътибор қаратса, бундай қонунбузарликларнинг пайи қирқилар эди.

Д.ҚҲҲОРОВ,
Каттақўрғон шаҳар
ДСИ бошлиғи,
А.ТУРҲОНОВ,
Каттақўрғон туман
ДСИ бошлиғи
биринчи ўринбосари

Балиқчида — янги корхона

Балиқчи тумани йўлдан фойдаланиш, таъмирлаш хўжалик корхонаси тасарруфида асфальт-бетон заводи ишга туширилди, 30 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Қолаверса, корхонанинг иш бошлаши нафақат Балиқчи, балки қўшни Улғунор ва Бўз туманларига ҳам сифатли асфальтбетон аралашмалари етказиб бериш имконини яратди. Бир кеча-кундузда 200 тонна

иссиқ асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод иссиқ аралашма ишлаб чиқариш учун асосий қулайлик бўлади. Сир-дари ироғида қурилди. — 230 километрик автомобиль йўллари капитал ва жорий таъмирлаш ишлари меҳнат жамоамиз зиммасида, — дейди туман йўлдан фойдаланиш ва таъмирлаш хўжалик корхонаси бош муҳандиси Турсунпўлат Эга-

мов. — Шундан 96 километри республика аҳамиятидаги йўللари. Ҳозирда корхона бригадалари республика аҳамиятига молик беш километр узунликдаги «Чинобод — Ўрмонбек — Сарик-сув» йўлини таъмирлашмоқда. Ушбу ишларни республикамиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида низоюсига етказиб режалаштирилган.

А.АРИҚУЛОВ

ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИК ТИМСОЛИ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу йўналишдаги амалий ишлардан кўзланган мақсад инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг "Ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида"ги Фармони бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давомига, деб баҳолаш лозим.

Бош Қомусимизнинг 24-моддасида: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», дейилган. Шу ўринда, ушбу норма «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»га ҳамда «Фуқаролик ва сийсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактга тўла мос келишини эътироф этиш жоиз. Қолаверса, Конституциянинг 16-моддасида айтилишича, «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид қилиш мумкин эмас». Амалдаги Жиноят кодексида қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун ўлим жазоси белгиланганини кўриш мумкин. Бинобарин, Ислам дини

ўлим жазоси белгиланган. XVIII асрда Францияда эса 119 та жиноят учун жазо сифатида ўлим жазоси қўлланган. Орадан икки аср ўтиб Францияда ўлим жазоси қўлланиладиган жиноятлар қаматиларилган. Умуман олганда, XVIII асрдан то XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар ўлим жазосини қўллаш тобора кучайиб борган. Ачинарлиси, ҳукм чиқариш жараёнида хатолликларга йўл қўйилган. Афсуски, бу хато ва камчиликларни тузатиб бўлмаган.

Ҳозирги вақтда қўллаб хорижий давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган. Келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда ҳам ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосининг жорий этилиши эса юксак инсонпарварлик тимсолидир.

XX асрда Англия жиноий жазо сифатида ўлим жазосини қўллаш бўйича биринчи ўринда турган. Ушбу мамлакат қонунчилигида 240 га яқин, яъни давлатга қарши, шахсга қарши жиноятлар, ўғрилик, қотиллик, ҳаттоки, ҳайвонларга дўқ-пўписа қилиш ва бошқа унча оғир бўлмаган қилмишлар учун ҳам

ХОРИЖ
АБАРЛАРИ

Ироқ:

Баггогга

қўпоровчилик ҳаракати

Баггоггада йирик қўпоровчилик ҳаракати содир этилди. Бу сўнги йилларда минтақадаги энг муҳим ҳодиса сифатида баҳоланмоқда.

Теракт нафақат Ироқ ҳукумати, балки жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солди. Қучли портлаш оқибатида қарийб 80 киши ҳалок бўлган, 200 нафардан ортиқ киши оғир жароҳат олган айтилмоқда. Айрим манбаларда бу кўрсаткич 250 дан ошгани ҳақида ҳам хабарлар бор. Мавлумотларга кўра, портловчи



қурилма одамлар гавжум бўлган жойдаги юк автомашинасига қўйиб кетилган.

Бразилия:

Энг йирик тирбандлик

Бразилиянинг Сан-Паула шаҳрида инсониятнинг автомобилдан фойдалана бошлаганидан буён қайд этилган энг йирик тирбандлик содир бўлди.



«Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, метрополитен ходимларининг иш ташлашлари оқибатида шаҳар кўчаларига қўллаб-автомобиллар чиққан. Натижада транспортлар тирбандлигининг узунлиги 172 километрни ташкил этган. Қарийб 3,5 миллион киши иш жойларига етиб

боролмаган. Метро ишчиларининг иш ташлашлари қачон тугаши ҳозирча номаълум. Касаба уюшмалари иш ҳақларини ошириш, меҳнат шартларини яхшилаш ва ижтимоий имтиёзлар жорий этилишини талаб қилишяпти. Аммо шаҳар ҳокимияти ишчилар талабини қондиришни истамаяпти.

Эслабй ўтамиз, Сан-Паула дунёдаги энг катта шаҳарлардан бири саналади. "Катта Сан-Паула" номини олган мазкур шаҳар ва унинг атрофида қарийб 20 миллион одам истиқомат қилади.

Халқаро меҳнат ташкилоти:

Нега кўп ишлашяпти?

Дунёдаги ҳар бешинчи ишчи кунига 9 соатдан кўп ишлайди.

Хабарларга кўра, дунёда 600 миллион киши, яъни ер юзидаги ишга яроқли одамларнинг 22 фоизи ҳафтасига 48 соат меҳнат қилади. Бу ҳақда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг маърузасида қайд этилган.

Ақсарият давлатларда беш кунлик иш ҳафтаси қабул қилинган. Бу эса аҳолининг бешдан бир қисми кунига 9 соатдан ортиқ ишлайди, дега-нидир. Ишловчиларнинг кўпчи-лик қисми ресторан бизнеси, чакана ва улгуржи савдо билан машғул. ХМТ таъкидига кўра, аёлларнинг рўзгор ишларини олиб бориши ва бунинг



учун кўп вақт сарфлашлари натижасида уларга қоникларли маош тулаш имкониятлари низоюда чекланган. Мутахассислар муаммоларни бартараф этиш учун ҳар бир мамлакатда ишчи-ҳодимлар иш фаолиятини яхшилашга хизмат қиладиган махсус комиссиялар ташкил этиш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Ҳиндистон:

АВВАЛ аттестат,

кейин уйланиш

73 ёшли ҳиндистонлик фермернинг 38 мартаба имтиҳондан "йиқилиш" ҳам унинг аттестат олиш ҳақидаги қарорини ўзгартири олмади.



"Яна икки баҳол" — 1969 йилдан буён ўрта мактаб курсидаги имтиҳонни топшира олмаётган Шив Хатан Ядавнинг бу галги уриниши ҳам беҳуда кетди. Бу борада жаҳон рекордида бе-малол даъво қила оладиган матонатли Ядав Раджастан штати-нинг ҳақиқий қахрамонига ай-ланди.

У кишлоғи Кохаридан ша-ҳарда жойлашган мактабга бо-риш учун ҳар кун 3 километр йўлни босиб ўтади. Уни нафа-қа мураббийлар, балки туман

таълим бўлими ходимлари ҳам яхши билишади. "Ўқувчи"нинг илм ўрганиш йўлидаги ҳаракат-ларини ҳамқишлоқлари ҳам, марказий оммавий ахборот во-ситалари ҳам бирдек қизиқиш билан кузатиб боришмоқда.

"Ҳамма бало шундаки, — дея нолийд Ядавнинг ўзи, — би-рор фандан йиқилсам, келаси йил шун яхшироқ ўзлаштириш-га ҳаракат қиламан. Лекин бош-қаларидан орқада қолиб кета-ман".


Бу сафар мўйсафид нафақат математика, балки санскрит (қадимги ҳинд адабий тили)-дан ташқари бошқа барча им-тиҳонлардан ўтмоқда. Бундай ибратли ҳикоянинг эътиборли томони шундаки, қатъиятди хинд то аттестатни қўлга ол-магунча уйланмаслигини айт-ган.

Хитой:

«Аёллар шахри»
бунёд этилмоқда

Чин мутахассисларнинг ай-тишича, бу шаҳарда хонимлар «Аёллар ҳеч қачон адашмай-дилар, эркаклар эса уларнинг ҳеч бир истганини рад этмай-дилар» деган шир остида яшайди.

Лойиха Сичуан провинция-сида амалга оширилиши кўзда тутилган. Лойиха мазмунига кўра, бу ерга ташриф буюрган аёллар ҳуқуқдорлик имкония-тига эга бўлади ва эркакларга истаган ишини буюриши мум-кин. Истақларни бажаришни ҳоҳламаганлар эса турли жа-золарга, масалан, идиш-товоқ



ювишга маҳкум этилади. Шу сабабли эркаклар бу ерга ке-лишидан аввал яхшилаб ўйлаб қўришлари, бардоши, асаби ва ниҳоят пули нимага, қанча вақт-га етишини яхшилаб чамалаб олишлари даркор.



КУЧЛИ ЖАМОАЛАР БЕЛЛАШУВИ


Ниҳоят, кутилган онлар келди! Пойтахтимизда “Кичик олимпиада” дея ном олган «Универсиада - 2007» спорт мусобақаларига старт берилди

Илк бор Наманганда ўтказилган «Универсиада - 2000» мусобақаларида мингдан зиёд талабалар иштирок этиб, улар 16 жамоага бўлинган ҳолда спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришган эди. Умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи ўринни эгаллаган бўлса, пойтахтликларга иккинчи, Самарқанд вилояти жамоасига учинчи ўрин насиб этганди.

Йилдан йилга мусобақа савияси ошиб, қатнашувчилар сони ортиб бормоқда. Биргина Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти жамоасини олайлик. Илк универсиадада институтнинг 73 нафар талабаси 36 та олтин, 38 та кумуш, 3 та бронза, жами 77 та медални қўлга киритган

моаси аъзолари бу галги мусобақада ҳам муваффақиятли қатнашиш ниятидалар. Бу ҳақда олийгоҳнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўлими бошлиғи Тоҳир Турғунов шундай дейди:

— Жамоамиз мусобақага пухта тайёргарлик кўрди. Айниқса, енгил атлетика, футбол,



“Универсиада — 2007” мусобақасида жами 1946 нафар талаба қатнашмоқда. Қувонарлиси шундаки, уларнинг 556 нафарини талаба қизлар ташкил этади. Бу эса юртимизда сўнгги йилларда хотин-қизлар ўртасида спорт оммавийлашиб бораётганидан далолат. Мусобақада иштирок этаётган йигит-қизлар йигирмадан ортиқ миллият вакиллари эканлиги яна бир эътиборли жиҳатлардан.

бўлса, 2002 йили (Бухоро шаҳри) 121 нафар ёш спортчи 82 та медал билан қайтди. 2004 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган беллашувларда натижалар янада яхшиланди. Институт талабалари мазкур мусобақаларда шу пайтгача баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, теннис, стол теннис, футбол, дзюдо, сузиш, қўл түпи бўйича жами 125 олтин, 77 кумуш, 29 бронза медалларининг соҳиби бўлишди. Олийгоҳ жа-

тенис, сузиш, кураш бўйича мусобақалардан умидимиз катта. Лекин шунинг билан бир вақтда, кейинги йилларда вилоятларимизда жисмоний тарбия ва спорт жадал ривожланмоқда, замонавий спорт иншоотлари қад ростламоқда. Шунинг учун ҳам ҳозир куч-сири жамоанинг ўзи йўқ. Айни пайтда бунга амин бўлиб турибмиз.

Ҳақиқатдан ҳам, беллашувлар қизгин курашларга ниҳоятда бой бўлаётир. Ҳақбага

бўлган интилиш, қатъиятлик спортчи талабаларнинг бош шioriга айланиб улгургани мусобақалар давомида яққол кўзга ташланмоқда.

Кеча бўлиб ўтган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Футбол: Фарғона — Тошкент 0:2, Тошкент шаҳри — Навоий 2:0, Бухоро — Наманган 5:4, Сурхондарё — Сирдарё 4:2; Гандбол (эркалар): Тошкент шаҳри — Навоий 34:7, Сирдарё — Бухоро

Олимпиада ўйинлари тизими асосида ташкил этилган бу йирик мусобақада спортчилар баскетбол, кураш, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол теннис, шахмат, футбол, қўл түпи, сузиш, дзю-до каби спортнинг 12 тури бўйича беллашмоқда. Беллашувларга 84 нафар тажрибали спорт усталари ҳакамлик қилаётти.

22:40, Сурхондарё — Самарқанд 15:46, Қорақалпоғистон — Хоразм 27:28, Наманган — Тошкент 37:19, Жиззах — Қашқадарё 33:31; Гандбол (аёллар): Тошкент ш — Сирдарё 31:12, Қорақалпоғистон —

Бухоро 31:24, Андижон — Қашқадарё 16:19, Фарғона — Сурхондарё 18:25, Хоразм — Тошкент 29:11, Жиззах — Наманган 13:20; Баскетбол (эркалар): Тошкент шаҳри — Сирдарё 102:20, Навоий — Хоразм 66:24, Қорақалпоғистон — Наманган 35:60, Самарқанд — Тошкент 34:84, Андижон — Фарғона 62:40, Сурхондарё — Бухоро 37:25; Баскетбол (аёллар): Тошкент шаҳри — Сирдарё 81:24, Андижон — Тошкент 34:84, Қорақалпоғистон — Навоий 51:36, Самарқанд — Жиззах 62:17, Наманган — Хоразм 13:53, Қашқадарё — Бухоро 7:59; Волейбол (аёллар): Самарқанд — Сирдарё 2:0, Фарғона — Жиззах 0:2, Бухоро — Қорақалпоғистон 0:2, Тошкент шаҳри — Андижон 0:2, Тошкент шаҳри — Қашқадарё 2:0, Сурхондарё — Хоразм 0:2.

Бир кунлик натижаларга кўра, Тошкент шаҳри 8 та (5 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза) медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринда турибди. Шунингдек, Навоий вилояти 6 та (3 та олтин, 2 кумуш, 1 та брон-

ларни қўлга киритишди.

“Универсиада — 2007” иштирокчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мусобақа ташкилотчилари бир қатор маданий-маърифий тадбирларни ўтказишни режалаштиришган. Спортчи талабалар ҳар куни кечки пайт таниқли шoir ва ёзувчиларнинг дилтортар суҳбатларидан, ҳушовоз санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқларидан баҳраманд бўладилар. Шунингдек, спортчи талабалар анжуман кунлари давомида мусобақалардан бўш пайтларида пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилмоқдалар. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик театрида, Муқимий номидаги мусикали драма театрида, Аббос Хидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида, қатор музейлар, истироҳат боғларида маданий хordик чикармоқдалар. Зеро, спортчи талабаларнинг ҳар бир кунга бағоят мароқли, таассуротларга бой ўтиши, шубҳасиз.

Энг қувонарлиси, мамлакатимиз ёшлари қалбида умрбод муҳридан қолажак ушбу спорт анжумани республикамиз телевидениеси, радиоси, кундалик газеталари билан бир қаторда интернетдаги www.universiada-uz веб-сайти орқали ўзбек, рус ва инглиз тилларида бутун дунё спорт ишқибозлари ҳам бемалол кузатиб бориш имкониятига эга.

Тўлиқ ЭШБЕКОВ, Фарҳод ЭСОНОВ

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Даъво мuddати - уч йил

Даъво мuddати неча йил, қандай ҳолларда судга мурожаат қилиш мумкин? Шу ҳақда батафсил тушуниртириб берсангиз.

Илҳом Хидиров
Навоий вилояти

Умумий даъво мuddати уч йил. Аммо айрим турдаги талаблар учун умумий даъво мuddати қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво мuddатлари ҳам белгиланиши мумкин.

Меҳнат Кодексининг 270-моддасига кўра, судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги мuddатлар белгиланади:

— ишга тиклаш низолари бўйича — ҳодимга у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

— ҳодим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилгани иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

— бошқа меҳнат низолари бўйича — ҳодим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ҳодимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун мuddат белгиланмайд.

Башарти, суд даъво мuddати ўтказиб юборилгани сабабини ушбу деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши керак. Даъво мuddатини ўтказиб юбориш сабаблари даъво мuddатининг охириги олти ойида, бу мuddат олти ойга тенг ёки олти ойдан

кам бўлса, (яъни, даъво мuddатида юз берган бўлса) узрли деб ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, қуйидаги ҳолларда даъво мuddати жорий қилинмайди:

— шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

— омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкга қўядиган талабларига;

— фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга (Даъво мuddати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилишдан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади);

— жиноят тўғрисида етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

— мулкдорнинг ёки бошқа эгаллик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишлари, шу жумладан, эгаллик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларига;

— мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқари оғиб қичиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга.

Саволга Фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро суди раиси Т.УСМОНОВ жавоб берди

Тинчингизни бузишдими?

Қўп қаватли уйда яшайман. Ундаги шароит ҳамма аён: “тиқ” этган товушни тўрт тарафдаги хонадон эшитишди. Сўрамоқчи бўлганим шуки, биринчидан, кўни-кўшинларнинг тинчини бузган (айниқса, кечаси), моддий зарар етказган (масалан, сув тошириб юборган)ларга бирор жазо бериши? Иккинчидан, ҳозир кўп қаватли турар жойларнинг биринчи қаватида дўхон, дорихона, офис ва бошқа шохобчаларни очиб роса “урф” бўлган. Ҳаттоки, айримлар бино деворларини бузиб, ўзларига ёққан лойиҳада бузиб-ўзгартириб олишяпти. Шу тўғрисида?

М.Қамолова
Тошкент шаҳри

Саволингиз жуда ўринли. Жамоат тартибини, аҳоли тинчлигини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу жумладан, кўп қаватли уйларида ҳам. Агар шундай ҳолат кузатишса, Сиз ўз ҳудудингиздаги ички ишлар бўлимига мурожаат қилишга ҳақлисиз. Бунинг учун қонунчиликда маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Биринчи хонадонига сув тошириб юбориш ёки бошқа кўринишдаги моддий зиён етказиш масаласи ҳам қонунчилигимизда ўз ечимини топади. Бундай низолар Фуқаролик кодексидан белгиланган тартибда

ҳал этилади. Етказилган зарарни ўзингиз яшайдиган ҳудудда жойлашган фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, ундириб олишингиз мумкин.

Иккинчи саволингизга келсак, бу каби хатти-ҳаракатларга фақат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли рухсатнома олингандагина йўл қўйилиши мумкин, холос. Ўзбошимчилик билан турли хил иншоотларни қуриб олганларга суд ўша иншоотни ўз ҳисобидан бузиб ташлаш мажбуриятини юклайди.

Саволга Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори Тўхир АЗМАТОВ жавоб берди

ТЕЛЕВИЗОР ВА БОЛАЛАР

телекўрсатувларни тартибли кўриш ҳам саломатлик, ҳам маънавий баркамоллик гаровидир

Ҳозирги замонда турмушни телевизорсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тезкор ахборот олишининг энг мақбул воситаларидан бири саналган телевидение бугун кундалик ҳаётимиздан муҳим ўрин эгаллаган. Бироқ, теледastуруларни томоша қилишда меъёрга риоя этиш гоятда муҳим саналади.

Телевизорнинг таъсир доирасини ўрганиш мақсадида аҳоли ўртасида ўтказилган социологик кузатишлар гаройиб натижаларни берган. Масалан, Америкада чиқадиган “Детройт фри пресс” газетаси 120 та оилага мурожаат этиб: “Агар бир ой мобайнида телевизор кўришдан воз кечсангиз сизга катта миқдорда пул берамиз” деб таклиф этган. Бу тажрибада фақат 27 та оила иштирок этиш хоҳишини билдирган. Бир ойлик кузатишларда қуйидаги натижалар аниқланган: 5 та оила умуман телевизор кўрмаган, оқибатда бўш вақтнинг қўллангани эр-хотинлар ўртасида мохоралар кўпайган, эр-кавлар орасида кечувчи ва ичувчилар сони ортган.

Тажрибада иштирок этган баъзи оилалар турмушида ижобий ўзгаришлар ҳам пайдо бўлган: улар кинотеатрларга, қариндош-уруғларниқига ва дўстлариникига кўпроқ борадиган бўлишган. Айрим оила бошқалари ўз болаларини, рафиқаларини яхшироқ билиб олганликларини айтишган. Газета хабарида айтилишича, тажрибада ғолиб чиққан иштирокчи ўзига берилган мукофот пулига янги телевизор сотиб олишга қарор қилган!

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида турли мамлакатларда телевизорнинг болаларга таъсирини ўрганиш натижалари кўпчилиги ларзага солган эди. Болалар бир йил давомида телевизор олдида ўттирса 500 дан 1000 соатгача, бошқача айтганда, бир йил давомида мактабда неча

соат ўқишса телевизор олдида ҳам шунча вақт ўтириши аниқланган. Кузатишлардан маълум бўлишича, минг нафар боладан 86,2 фоизи ўзининг бўш вақтини, асосан, телевизор ёнида ўтказишини айтган. Ҳақиқатан, зангори экран муҳлислари орасида 11 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар кўпчилигини ташкил қиларкан. Кейинги ўринда кичик мактаб ёшдагилар, қолаверса, мактабгача ёшдаги болалар туришаркан.

Илмий-техника инқилоби даврида кишиларнинг ташқи дунёдаги ўзгаришларни, турли хил маълумотларни қабул қилишларида кўриш аъвосининг аҳамияти бекиёс. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда биз ташқи маълумотнинг 60-80 фоизини кўзимиз орқали қабул қиламиз. Ваҳоланки, инсон ўзининг илк тараққиёт босқичида кўпроқ эшитиш аъвосига суяниб яшашига мажбур бўлган.

Телевизор дастуруларни тартибсиз ва сурункали кўриш ёш болаларни ухлаш, овқатланиш, дам олиш, қолаверса, ўқиш жараёниларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, катталар билан бирга, болалар учун мўлжалланмаган тўғри дастури кўрган боланинг ўйку режими издан чиқиб қолган. Бундай кўрсатувлардан сўнг болаларнинг ўйкулари бузилади, кўпчилиги кечаси алаҳсираб чиқади. Бундай ҳолнинг сурункали такрорланиши уларнинг саломатлигига жиддий зарар етказиши, бора-бора турли хил касалликларни келтириб чиқариши, марказий асаб тизимида мураккаб органик ўзгариш-

ларни содир этади. Оқибатда болалар тез толиқадиган, инжик бўлиб қоладилар, иштаҳалари йўқолади, мактабда ўзлаштиришлари ҳам кескин пасайиб кетади.

Кўрсатувларни тартибсиз кўриш болаларнинг хотирасини ҳам заифлаштирилади. Чунки бир нарсани хотирада яхши сақлаб қолиш учун маълум шароит бўлиши лозим. Овози баландалиб қўйилган телевизор олдидаги болага айтилган сўзни унинг миёсидан сақланиши ёки шундай шароитда дарс тайёрлаётган боланинг бирор мавзунини пухта ўзлаштириши ҳақиқатдан ийроқ. Чунки бундай ҳолатда болага бир вақтнинг ўзига кўплаб омиллар: тез-тез ўзгараётган кадрлар, шовқин ва бошқалар салбий таъсир қилиши табиий.

Рухшунослар фикрига кўра, инсон ақлий ривожланишининг эллик фоизи 5 ёшгача бўлган вақтга, ўттиз фоизи 4 ёшдан 8 ёшгача ва қолган йигирма фоизини эса 8 ёшдан 17 ёшгача бўлган вақтга тўғри келар экан. Шу мисолларнинг ўзи кишининг шахс сифатида шаклланишида дастлабки 5 йиллик умр қанчалик катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида, бошқа шаҳар ва туманлардаги турли видеоканаллар воситасида бир йўла 15 га яқин ҳар хил мавзуда теле-видео кўрсатувлар намойиш этилмоқда, ахборот оқими эса йилдан йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун болаларга мўлжалланган кўрсатувларни кўришда ота-оналар ва катта ёшдагиларнинг уларга ёрдами жуда зарур.

Айрим ота-оналар болаларни тартибсиз ва меъёрга риоя этмай овқатлантириш уларнинг турли хасталикларига чалинишига сабаб бўлиши-

ни тан оладилар-ку, лекин телевидение ва видео орқали намойиш этиладиган дастурларни бошдан охиригача кўришни одатий ҳол, деб қабул қилишади. Бу, албатта, ачинарли ҳол.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда айрим оилаларда телевизордан меъёрсиз фойдаланиш оқибатида болалар 2-2,5 соат кам ухлар экан. Мактаб ўқувчилари бир ҳафтада ўртача 20 соатдан 30 соатгача вақтини телевизор кўриб ўтказишаркан. Ажабланарли жойи шундаки, кўпчилик болаларга: “Энг сеvimли машғулотиңгиз нима?” деб савол берсангиз: “Қизиқарли ки-тоб ўқиш”, “Ойиқ ҳавода сайр қилиш”, “Спорт билан шугулланиш” деб жавоб беришади-у, аслида эса, бўш вақтларини, асосан, экран олдида ўтказишади.

Мактабгача ёшдаги болалар бир кунда ўртача 30 дақиқа, бошланғич синф ўқувчилари 1 соат, ўрта мактаб ёшдаги болалар эса 1,5 соат телевизор кўришлари мумкин. Экраннинг равшан ёрилиши, катта-кичиклигига қараб томошабин 2-5 метр узоқликда ўтириши, экран уларнинг кўзларига нисбатан сал пастроқда бўлиши лозим. Болалар ҳеч қачон экранга ёнбошдан, айнақса, ётиб қуришга одатланмасликларига керак, чунки бу кўзга салбий таъсир этади. Хона чироқ билан ёритилган, ёруғи томошабиннинг юзига тушмаслиги лозим. Хуллас, ҳар бир нарсда меъёр бўлганидек, телевизор ва вионалар ва катта ёшдагиларнинг уларга ёрдами жуда зарур.

Айрим ота-оналар болаларни тартибсиз ва меъёрга риоя этмай овқатлантириш уларнинг турли хасталикларига чалинишига сабаб бўлиши-



Беғубор болалик

ТАРИХ КЎЗГУСИ

Кишилик җамиятида рўй бераётган воқеалардан бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг фақат ўзига хос тарихи бор. Ўтмиш, Ватан тарихи эса ҳар биримиз учун муқаддас. Уни бутун қадриятлари билан авлоддан авлодга етказиш бизнинг зиммамизга катта масъулият ва бурч юклайди.

“Шонли Ватан тарихи” музейи ёш авлодни она юртга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда, уларнинг онгу тафаккурида миллий гурур, ватанпарварлик туйғуларини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Музейимизга тез-тез турли ташкилотлар ишчи-ҳодимлари, ўқув мауассасалари талабалари ташриф буюришди, фахрийлар ҳамда ўқувчи ёшлар, курсантлар иштирокида қизиқарли тадбирлар ўтказиб турилади.

Музей асосан бир-бирини мавзу қўлами билан тўлдириб борадиган олтига бўлимдан иборат. Бу бўлимлар илк ўзбек давлатчилигидан то ҳозирга қадар бўлган даврларни қимматли тарихий маълумотлар ва экспозициялар, шунингдек, осори-атиқалар орқали ёритиб беради. Мозийдан сузловчи нодир китоблар саҳифаларида Ҳожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ал Бухорий, Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимиз ҳақида

ҳикоя қилиниши қалбимизни ифтихорга тўлдиради.

Музейимиз “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув мауассасалари курсантлари, ўқувчи ва талаба ёшлар, ишчи-хизматчилар, умуман, юртдошларимизнинг сеvimли масканига айланган. Ташкил қилингандан буён бу ерга 17 минг нафардан зиёд киши келгани сўзимиз исботидир. Шу билан бирга, Ҳиндистон, Япония, Россия каби хоржий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар музейнинг эсdalик китобиға ўз таассуротларини битганлар. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий қаҳриқача бўлган ёшларимиз музейдан олган таассуротлари асосида она юрт сарҳадларини ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини янада чуқур ҳис этишмоқда.

Наргиза ҚАРИМОВА, Муҳофафа қўмақлашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг “Шонли Ватан тарихи” музейи директори

Йўлбарс, ит, от ва дельфин

Одамлар учун энг сеvimли ҳайвон йўлбарс бўлиб чиқди. Бундай қутлималар натижа 73 мамлакатдаги 50 минг киши ўртасида ўтказилган сўров натижасида аниқланди.

Буюк Британия тадқиқотчилари уй ҳайвонларини ёввойилардан ажратмаган ҳолда ўнлаб сеvimли жониворлар рўйхатини тузишди. Унга кўра, энг юқори ўринни йўлбарс эгаллади. Кейинги ўринлардан эса ит, дельфин, от ва шер жой олди. Шундан сўнг рўйхатни илон, фил, маймун ҳамда кит давом эттирди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши партия Марказий Кенгаши тафтиш комиссияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Юсубжон Нишоновга онаси Тожихон аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турғунпўлат ҚУЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Махсил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан қўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақоалалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи — Б.БОТИРОВ Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ